

Ҳоким ва ёшлар учрашуви



Бугун Қумқўрғон тумани “Янгиер” маҳалласида ёшлар қабули бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Анвар Нормаматов, туман солиқ инспексияси бошлиғи Бахтиёр Турдиев ва муаммоларига ечим излаб келган ёшлар иштирок этди.

Қабулда ёшлар томонидан бир қатор муаммолар айтиб ўтилди. Хусусан ўқиш учун контрак пулини тўлаб бериш, имтиёзли кредит олиш, даволаниш учун моддий ёрдам, ишга жойлашиш каби муурожаатлари йўлланди.

Мазкур учрашувда бир қатор ёшларнинг муурожаатлари шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди. Муддат талаб қиладиган муурожаатлар назоратга олиниб, ижроси бўйича тегишли масъулларга топшириқлар берилди.